

**Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар  
агентлигининг 2022 йил I ярим йиллик учун  
ИШ РЕЖАСИ**

| №  | Чора-тадбирлар номи   | Амалга ошириш механизми   | Ижро муддатлари | Ижро учун масъуллар       |
|--|---|---|-----------------|---------------------------|
| <b>I. “Ўзбеккосмос” агентлигининг 2022 йил I ярим йилликка мўлжалланган устувор вазифалари</b> |   |   |                 |                           |
| 1.   | “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармони билан тасдиқланадиган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларни муҳокама қилиш | <p>1. Агентликнинг умумий иигилишларида муҳокама қилиш ва устувор вазифалар бўйича ижрочиларни белгилаш.</p> <p>2. Мурожаатнома бўйича тегишли белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш бўйича назоратни йўлга кўйиш.</p> | Доимий          | Бош директор (Ш. Кадиров) |
| 2.   | Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг хавфсизлик Кенгашининг 2022 йил 13 январда бўлиб ўтган кенгайтирилган иигилишидаги нутқидан келиб чиқиб, устувор вазифаларни белгилаш  | <p>1. Агентликнинг умумий иигилишларида муҳокама қилиш.</p> <p>2. Устувор вазифалар бўйича ижрочиларни белгилаш.</p>  | Доимий          | Бош директор (Ш. Кадиров) |

| <b>№</b> | <b>Чора-тадбирлар номи</b>   | <b>Амалга ошириш механизми</b>   | <b>Ижро муддатлари</b> | <b>Ижро учун масъуллар</b> |
|----------|--|--|------------------------|----------------------------|
| 3.       | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони ижросини таъминлаш | Ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби, ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларини амалга ошириш юзасидан ҳаракатлар режаси ҳамда “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш. | Ҳар ойда               | Бош директор (Ш. Кадиров)  |
| 4.       | Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазири хузурида ўтказилган мажлислар баённомаларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш   | <p>1. Давлат Раҳбарининг кенг жамоатчилик олдида, соҳа вакиллари ҳамда худудларга ташрифи давомида сўзлаган нутқлари ва маъruzаларини жамлаб бориш.</p> <p>2. Кўрсаткичларни таҳлил қилиш, эришилмаган натижалар бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф</p>  | Доимий                 | Бош директор (Ш. Кадиров)  |

| <b>№</b> | <b>Чора-тадбирлар номи</b>   | <b>Амалга ошириш механизми</b>  | <b>Ижро муддатлари</b>  | <b>Ижро учун масъуллар</b> |
|----------|--|---|---|----------------------------|
|          |  | етиш юзасидан тегишли чораларни кўриш   |   |                            |
| 5.       | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мудофаа ва хавфсизлик манфаатлари йўлида космик фаолият натижалари ва геоахборот технологияларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва дастлабки келишув учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш | 1. Халқаро тажрибани ўрганиш.<br><br>2. Ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш.<br><br>3. Ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2022 йил<br>Февраль<br><br>2022 йил<br>Март<br><br>2022 йил<br>Апрель | Барча таркибий бўлинмалар  |
| 6.       | “Ери масофадан зондлаш тўғрисида”ги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва дастлабки келишув учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш  | 1. Халқаро тажрибани ўрганиш.<br><br>2. Ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш.<br><br>3. Ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2022 йил<br>Март<br><br>2022 йил<br>Апрель<br><br>2022 йил<br>Май     | Барча таркибий бўлинмалар  |
| 7.       | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва илм-фан соҳаларининг фаолияти самарадорлигини оширишда космик технологияларни жорий этиш чора-  | 1. Халқаро тажрибани ўрганиш.<br><br>2. Ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш.   | 2022 йил<br>Апрель<br><br>2022 йил<br>Май                             | Барча таркибий бўлинмалар  |

| <b>№</b> | <b>Чора-тадбирлар номи</b>  | <b>Амалга ошириш механизми</b>  | <b>Ижро муддатлари</b>  | <b>Ижро учун масъуллар</b>   |
|----------|---|---|---|--|
|          | тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва дастлабки келишув учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш | 3. Ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.  | 2022 йил<br>Июнь  |  |
| 8.       | Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасини космик суратлар билан таъминлаш     | <p>1. Давлат геология қўмитаси билан икки томонлама битим (келишув) имзолаш.</p> <p>2. Давлат геология қўмитаси мурожаатига мувофик, космик хизматларга бўлган эҳтиёж ҳажми ва уларни етказиб бериш муддатларини келишилган ҳолда аниқ режасини шакллантириш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Давлат геология қўмитасига космик хизматларни ўзаро тасдиқланган эҳтиёж ҳажмидан келиб чиқиб, харажатлар сметасида ажратилган бюджет маблағлари доирасида амалга ошириш.</p> <p>3. Давлат геология қўмитасига кўрсатиладиган космик хизматлар ҳажми икки томонлама тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаш.</p> | 2022 йил<br>Апрель<br><br>2022 йил<br>Май<br><br>2022 йил<br>Июнь<br><br>2022 йил<br>Июль | Геоахборот технологиялари ва навигациялар бошқармаси (М. Ибрагимов)<br>Ерни масофадан зондлашни ривожлантириш бошқармаси (Ж. Умаров)<br>Космик технологияларни стратегик ривожлантириш ҳисобини режалаштириш ва молиялаштириш бўлими (Б.Пардаев) |

| <b>№</b> | <b>Чора-тадбирлар номи</b>   | <b>Амалга ошириш механизми</b>   | <b>Ижро муддатлари</b>  | <b>Ижро учун масъуллар</b>  |
|----------|--|--|---|---|
| 9.       | ArcGIS Enterprise ва Hexagon M.App Enterprise аппарат-дастурий таъминот тизимларини харид қилиш учун техник шартларни ишлаб чиқиш ва «Киберхавфсизлик маркази» ДУКга сертификатлаштириш учун тақдим этиш   | Ташкилий чора-тадбирлар  | 2022 йил<br>Февраль-Март  | Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида идоралараро ҳамкорлик бўлими (Д. Абдуллаев)  |
| 10.      | Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитасининг талабномалариiga мувофиқ республика худудидаги мавжуд ер қаъри участкалари ҳамда фойдали қазилма конларидан рухсатнома ( <i>лицензия</i> ) асосида фаолият олиб бораётган юридик шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш (рухсат этилган худуддан четга чиқиш ҳолатлари) ва ушбу худудларда ноқонуний фойдали қазилма конлари ҳамда бино-иншоотларни аниқлаш мақсадида космик мониторинг тизимини йўлга қўйиш | <p>1. Биринчи босқичда лойиҳани амалга ошириш учун тегишли худудларни танлаб олиш ва келишиш.</p> <p>2. Биринчи босқич учун лойиҳатехник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва келишиш.</p> <p>3. Давлат геология қўмитасига космик хизматларни ўзаро тасдиқланган эҳтиёж ҳажмидан келиб чиқиб, харажатлар сметасида ажратилган бюджет маблағлари доирасида амалга ошириш.</p> <p>4. Биринчи босқич учун танлаб олинган худудлар кесимида космик мониторинг тизими орқали ер қаъри участкалари ҳамда фойдали қазилма конларидан рухсатнома (<i>лицензия</i>)</p> | 2022 йил<br>Апрель<br><br>2022 йил<br>Май<br><br>2022 йил<br>Июнь<br><br>2022 йил<br>Июнь | Геоахборот технологиялари ва навигациялар бошқармаси (М. Ибрагимов)<br>Ерни масофадан зондлашни ривожлантириш бошқармаси (Ж. Умаров)<br>Космик технологияларни стратегик ривожлантиришни ҳисобини режалаштириш ва молиялаштириш бўлими (Б. Пардаев) |

| <b>№</b> | <b>Чора-тадбирлар номи</b>   | <b>Амалга ошириш механизми</b>   | <b>Ижро муддатлари</b> | <b>Ижро учун масъуллар</b> |
|----------|--|--|------------------------|----------------------------|
|          |  | <p>асосида фаолият олиб бораётган юридик шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш (рухсат этилган ҳудуддан четга чиқиш ҳолатлари) ва ушбу ҳудудларда ноқонуний фойдали қазилма конлари ҳамда биноиншоотларни аниқлаш бўйича жамланган маълумотларни ўзида мужассамлаштирган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва унга маълумотларни интеграция қилиш.</p> <p>5. Давлат геология қўмитасига кўрсатиладиган космик хизматлар ҳажми икки томонлама тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаш.</p> | 2022 йил<br>Июль       |                            |
| 11.      | Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон ҳўжалиги қўмитасининг талабномалариiga мувофиқ республика ҳудудидаги космик технологиялар ва учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланган ҳолда Тошкент вилояти кесимида ўрмон фонди ерларини инвентаризация қилиш | Ташкилий чора-тадбирлар  | 2022 йил<br>Июнь       | Барча таркибий бўлинмалар  |

| <b>№</b> | <b>Чора-тадбирлар номи</b>   | <b>Амалга ошириш механизми</b> | <b>Ижро муддатлари</b> | <b>Ижро учун масъуллар</b>  |
|----------|--|--------------------------------|------------------------|---|
| 12.      | Космик ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Жомбай, Пайариқ туманлари кесимида қишлоқ хўжалиги ерларини тўлиқ инвентаризация қилиш (фойдаланилмаётган, ҳисобга олинмаган, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, бўш ва мақсадли фойдаланилмаётган ерларни аниқлаш) ва рақамли хариталарини актуаллаштириш | Ташкилий чора-тадбирлар        | Алоҳида график асосида | Барча таркибий бўлинмалар   |
| 13.      | Ривожланган давлатлардан маҳаллий космик фаолиятни ривожлантириш учун зарур бўлган космик технологиялар трансферини амалга ошириш чораларини кўриш   | Ташкилий чора-тадбирлар        | Доимий                 | Геоахборот технологиялари ва навигациялар бошқармаси (М. Ибрагимов)<br>Ерни масофадан зондлашни ривожлантириш бошқармаси (Ж. Умаров)<br>Халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бошқармаси (И. Расулов) |

| <b>№</b> | <b>Чора-тадбирлар номи</b>  | <b>Амалга ошириш механизми</b> | <b>Ижро муддатлари</b> | <b>Ижро учун масъуллар</b>  |
|----------|---|--------------------------------|------------------------|---|
| 14.      | Республиканинг турли иқтисодиёт тармоқларида Ерни масофадан зондлаш ва космик мониторинг технологиясини жорий этиш чораларини кўриш   | Ташкилий чора-тадбирлар        | Доимий                 | Ерни масофадан зондлашни ривожлантириш бошқармаси (Ж. Умаров)<br>Геоахборот технологиялари ва навигациялар бошқармаси (М. Ибрагимов)      |
| 15.      | Вазирлик ва идораларнинг асосланган талабномаларига мувофиқ уларни керакли космик суратлар билан таъминлаш  | Ташкилий чора-тадбирлар        | Доимий                 | Ерни масофадан зондлашни ривожлантириш бошқармаси (Ж. Умаров)<br>Геоахборот технологиялари ва навигациялар бошқармаси (М. Ибрагимов)      |
| 16.      | Космик фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича кадрларни етакчи хорижий олий таълим муассасаларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бир қатор олий ўкув юртлари билан ҳамкорлик битимларини имзолаш | Ташкилий чора-тадбирлар        | Доимий                 | Халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бошқармаси (И. Расулов)<br>Персонал билан ишлаш хизмати (лавозим бўйича)<br>Юридик хизмат З. Куйлиева |

| №  | Чора-тадбирлар номи  | Амалга ошириш механизми  | Ижро муддатлари                     | Ижро учун масъуллар   |
|--|--|--|-------------------------------------|---|
| <b>II. Космик хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, тарифлар (нархлар)ни шакллантириш ҳамда товар (иш, хизмат)лар давлат харидини ташкил қилиш</b> |  |  |                                     |   |
| 17.  | Агентлик фаолияти билан боғлиқ харажатларини бюджет параметрларида ажратилган маблағлар доирасида молиялаштириш бўйича 2022 йилги вақтинчалик харажатлар сметаси ижросини таъминлаш ҳамда асосий харажатлар сметасини шакллантириш | 1. Молия вазирлигига рўйхатга олинган вақтинчалик харажатлар сметасини харажат моддалари кесимида ижросини таъминлаш.<br>2. Агентликка юклатилган вазифалар ва функциялар ижросини таъминлашга қаратилган асосий харажатлар сметасини шакллантириш ва Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиш | 2022 йил Январь-март ойлари         | Космик технологияларни стратегик ривожлантиришни хисобини режалаштириш ва молиялаштириш бўлими<br>(Б.Пардаев)<br>Бухгалтерия ва молия бўлими<br>(М.Бердияров) |
| 18.  | Агентлик томонидан космик соҳада вазирликлар, идоралар ва бошқа юридик шахсларга кўрсатиладиган хизматларнинг нархлари (тарифлари)ни шакллантириш  | Вазирликклар, идоралар ва бошқа ташкилотлар мурожаатлари асосида уларга шартномага мувофиқ тўлов асосида кўрсатиладиган космик хизматлар нархини (тарифини) шакллантириш   | Келиб тушадиган мурожаатлар асосида | Космик технологияларни стратегик ривожлантиришни хисобини режалаштириш ва молиялаштириш бўлими<br>(Б.Пардаев)   |
| 19.  | Агентликнинг харажатлар сметасида режалаштирилган маблағлар доирасида космик хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ давлат харидини самарали ташкил этиш  | Агентликка юклатилган вазифа ва функциялар ижросини таъминлаш мақсадида харажатлар сметасида кўзта тутилган маблағлар доирасида товар (иш, хизмат)лар давлат харидини ташкил қилиш ва ўтказиш  | Доимий                              | Космик технологияларни стратегик ривожлантиришни хисобини режалаштириш ва молиялаштириш бўлими<br>(Б.Пардаев)   |

| №   | Чора-тадбирлар номи   | Амалга ошириш механизми | Ижро муддатлари     | Ижро учун масъуллар   |
|---|---|-------------------------|---------------------|---|
| <b>III. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш</b> |   |                         |                     |   |
| 20.   | Туркия космик агентлиги, АҚШ Миллий аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш бошқармаси (NASA), Озарбайжон космик агентлиги ва Франция Республикасининг Космик тадқиқотлар миллий маркази (CNES), Хиндистан космик тадқиқотлар ташкилоти (ISRO) билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, мувофиқлаштириш ва ривожлантириш | Ташкилий чора-тадбирлар | Доимий              | Халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бошқармаси (И. Расулов) |
| 21.   | Вена шаҳрида бўлиб ўтадиган БМТ Космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш кўмитаси (COPUOS) сессияларида иштирок этиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш  | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил<br>Февраль | Халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бошқармаси (И. Расулов) |
| 22.   | Лойиҳаларга грант маблағларини жалб этиш бўйича Халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотлар билан ўзаро алоқалар ўрнатиш  | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил<br>Февраль | Халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бошқармаси (И. Расулов) |
| 23.   | Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган “Париж космик хафталиги 2022” конференциясида иштирок этиш масаласини ўрганиб чиқиш  | Ташкилий чора-тадбирлар | 2022 йил<br>Март    | Халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бошқармаси (И. Расулов) |

| <b>№</b> | <b>Чора-тадбирлар номи</b>  | <b>Амалга ошириш механизми</b> | <b>Ижро муддатлари</b> | <b>Ижро учун масъуллар</b>                                  |
|----------|---|--------------------------------|------------------------|---|
| 24.      | БААда бўлиб ўтадиган “ГАТ ва ерни масофадан зондлаш Яқин Шарқ 2022” ва “Глобал аэрокосмик саммит”да конференциясида иштирок этиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш   | Ташкилий чора-тадбирлар        | 2022 йил<br>Март - Май | Халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бошқармаси (И. Расулов) |
| 25.      | Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозогистон Республикаси Ҳукумати ўртасида космик фазони тадқиқ этиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан ҳамкорлик тўғрисида Битим доирасида қўшма ишчи гурӯхни ташкил этиш ҳамда ишчи гурӯх доирасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш | Ташкилий чора-тадбирлар        | 2022 йил<br>Апрель     | Халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бошқармаси (И. Расулов) |
| 26.      | “Space Technology Conference - 2022” конференциясини ташкиллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан “Dialogue” компанияси билан ҳамкорликни амалга ошириш   | Ташкилий чора-тадбирлар        | 2022 йил<br>Май        | Халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бошқармаси (И. Расулов) |
| 27.      | Лиссабон шаҳрида бўлиб ўтадиган “ENGAGE 2022” конференциясида иштирок этиш масаласини ишлаб чиқиш   | Ташкилий чора-тадбирлар        | 2022 йил<br>Июнь       | Халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бошқармаси (И. Расулов) |

| <b>№</b> | <b>Чора-тадбирлар номи</b>  | <b>Амалга ошириш механизми</b> | <b>Ижро муддатлари</b> | <b>Ижро учун масъуллар</b>   |
|----------|---|--------------------------------|------------------------|--|
| 28.      | Халқаро космик фаолиятни тартибга солувчи БМТ конвенциялари ва бошқа халқаро хуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш  | Ташкилий чора-тадбирлар        | 2022 йил<br>Июнь       | Халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бошқармаси<br>(И. Расулов)<br>Юридик хизмат<br>(З. Куйлиева) |
| 29.      | Космик соҳада мутахассислар учун тажриба орттириш, малака ошириш, халқаро конференциялар, бизнесфорумлар ва бошқа йўналишдаги тадбирларни ташкиллаштириш ҳамда халқаро тадбирларда “Ўзбеккосмос” агентлиги ходимларининг иштирокини таъминлаш                                     | Ташкилий чора-тадбирлар        | Доимий                 | Халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бошқармаси<br>(И. Расулов)                                   |
| 30.      | Космик фаолиятни ривожлантириш масалалари бўйича хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро шартнома, келишув, англашув меморандумлари лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан ўрнатилган тартибда тегишли органлар билан келишиш | Ташкилий чора-тадбирлар        | Доимий                 | Халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш бошқармаси<br>(И. Расулов)<br>Юридик хизмат<br>(З. Куйлиева) |

| <b>№</b>   | <b>Чора-тадбирлар номи</b>   | <b>Амалга ошириш механизми</b> | <b>Ижро муддатлари</b> | <b>Ижро учун масъуллар</b>  |
|--|--|--------------------------------|------------------------|---|
| <b>IV. Идораларарапо ҳамкорликни ривожлантириш</b> |  |                                |                        |   |
| 31.  | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан Битим имзолаш ва чора-тадбир режасини ишлаб чиқиш      | Ташкилий чора-тадбирлар        | 2022 йил<br>Апрель     | Геоахборот технологиялари ва навигациялар бошқармаси (М. Ибрагимов)<br>Ерни масофадан зондлашни ривожлантириш бошқармаси (Ж. Умаров)<br>Юридик хизмат (З. Куйлиева) |
| 32.  | Ўзбекистон Республикаси Давлат Ўрмон хўжалиги қўмитаси билан Битим имзолаш ва чора-тадбир режасини ишлаб чиқиш | Ташкилий чора-тадбирлар        | 2022 йил<br>Май        | Геоахборот технологиялари ва навигациялар бошқармаси (М. Ибрагимов)<br>Ерни масофадан зондлашни ривожлантириш бошқармаси (Ж. Умаров)<br>Юридик хизмат (З. Куйлиева) |
| 33.  | Ҳарбийлаштирилган тузилмалар билан ҳамкорлик ва ўзаро алоқани ташкил этиш ва амалга ошириш,                    | Ташкилий чора-тадбирлар        | Доимий                 | Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида идораларарапо ҳамкорлик бўлими (Д. Абдуллаев)  |

| <b>№</b> | <b>Чора-тадбирлар номи</b>                               | <b>Амалга ошириш механизми</b> | <b>Ижро муддатлари</b> | <b>Ижро учун масъуллар</b> |
|----------|--|--------------------------------|------------------------|----------------------------|
|          | тегишли битимларни (келишувларни) ишлаб чиқиш ва имзолаш |                                |                        |                            |

**V. Космик тармоқ ютуқларини кенг ёритиш**

|     |   |                         |        |   |
|-----|---|-------------------------|--------|---|
| 34. | Ўзбекистон космик тармоғи ва ўзаро боғлиқ тармоқлар ютуқларини ёритиш орқали мавзуга оид мавжуд тадбирларни ташкиллаштириш  | Ташкилий чора-тадбирлар | Доимий | Матбуот хизмати (лавозим бўйича)<br>Барча таркибий бўлинмалар |
| 35. | Космик тармоқ ютуқлари ва хорижий мамлакатларнинг турли соҳаларида космик технологияларнинг қўлланишини намойиш этувчи мавзуга оид маълумотларни ва янгиликларни ижтимоий тармоқлар ҳамда ОАВ ларда кенг ёритиш | Ташкилий чора-тадбирлар | Доимий | Матбуот хизмати (лавозим бўйича)<br>Барча таркибий бўлинмалар |